Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2014 йил 6 июнь ● № 22 (991)




*Халқаро конференция*

## ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан шу йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтаётган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференцияда дунёнинг кўплаб мамлакатлардан озиқ-овқат саноати мутахассислари, фермер, олим, эксперт, инвесторлар, турли соҳа вакиллари қатнашмоқда.**

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда озиқ-овқат ишлаб чиқариш тармоғи жадал суръатлар билан тараққий этмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган эътибор, фармон ва қарорлари асосий роль ўйнаяпти десак, айни муддаодир. Хусусан, бошоқли дон экинлари, сабзавот, картошка ва мева етиштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани, қорамол, қўй-эчкилар сони янада кўпайганлиги юртимизда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талаб ва эҳтиёжини тўла қондираяпти. Эътиборлиси шундаки, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар турмушимиз фаровонлиги ва барқарорлигини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Халқаро анжуманда озиқ-овқат маҳсулотлари глобал ишлаб чиқарилиши ривожланишининг тамойиллари муҳокама этилмоқда.

Таъкидлаш муҳимки, иштирок этаётган хорижлик мутахассислар Ўзбекистон қулай иқлим шароитлари ва малакали ишчиларга эга эканлиги мамлакат қишлоқ хўжалиги салоҳиятининг асоси ҳисобланади дея эътироф этмоқдалар.

**Халқаро конференция бугун ҳам ўз ишини давом эттирмоқда.**

МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ:

## МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 20 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош муассасалари тўғрисида"ги 347-сонли буйруғи ижроси юзасидан бош муассасалар томонидан ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг соҳалар бўйича савиясини ошириш ҳамда республика ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун маҳорат дарсларини ўтказиш тўғрисида жорий йилнинг 1 апрель куни вазирликнинг 125-сонли буйруғи чиқарилган эди.***

Шу кунга қадар юқоридаги буйруқ ижросини бажариш бўйича мамлакатимиз бўйлаб ўтаётган "Маҳорат дарслари"-да 12 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази, 4 та илмий-текшириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасалари кафедралари мутахассисларидан иборат 110 нафардан ортиқ етакчи фан докторлари, профессор ва доцентлар ҳамда 200 нафардан зиёд ҳудудий шифохоналарнинг мутахассислари иштирок этмоқдалар. Ушбу маҳорат дарсларининг афзаллиги шундаки, тадбир давомида 2000 га яқин беморга тиббий ёрдам кўрсатилиб, шундан 695 нафарига ҳудудий шифохоналарда кўргазмали равишда хирургик амалиёт ўтказилди. 270 нафар бемор имтиёзли равишда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида республикамизнинг етакчи тиббиёт муассасаларига юборилди. Бундан ташқари, вилоят ва туман соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш билан бирга, ҳудудий шифохоналарда шу кунга қадар амалга оширилмаган 80 та янги замонавий даволаш ва ташҳис усуллари тадбиқ қилинди.

2014 йилнинг 3-5 июнь кунлари пойтахтимиз ва вилоятлардаги тиббиёт муассасаларида маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

**(Давоми 2-бетда).**





*2014 йил – Соғлом бола йили*

## ЯНГИ БЎЛИМ ИШ БОШЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўсиб келаётган фарзандларимиз саломатлигини асраб-авайлашнинг янгидан-янги имкониятлари яратилмоқда. Вазирликнинг 2013 йил 5 апрелда қабул қилинган 110-сонли буйруғи билан Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси таркибида Республика ихтисослаштирилган бўғимлар ва қўл-бармоқ жарроҳлик маркази қайта тикланиб, унинг ичида болаларга ихтисослаштирилган 10 ўринли бўлим ўз фаолиятини бошлади.***

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Лазиз Тўйчиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида қўлга киритилаётган ютуқларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган бўғимлар ва қўл-бармоқ жарроҳлик маркази қошида болалар учун даволаш бўлимининг очилиши ва бу ерда даволанишга муҳтож ўғил-қизларни соғломлаштириш жараёни бошланиши олдидан шифокорлар жамоасига улкан ютуқлар тилади.

Ушбу марказ 1993 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ш. Ҳамроев ташаббуси билан ташкил этилиб, Марказий Осиё минтақасида ўзига хос нуфузга эга бўлган эди. Марказда барча жарроҳлик амалиётларини самарали бажариш йўлга қўйилган. Ўтган давр мобайнида бу

**(Давоми 2-бетда).**

*Байрам шукуҳи*

## БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

***1 июнь куни нафақат пойтахтимиз, балки шаҳар ва вилоятларда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан истироҳат боғларида, қолаверса, манзарали жойларда байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Юзларида қувонч, қалбларида чексиз шодлик ила болажонларимиз турли ўйинлар ўйнашди, арғимчоқларда мазза қилиб учишди, шунингдек, концерт дастурларидан баҳраманд бўлишди.***

Шу жумладан, республикамиз миқёсидаги тиббиёт муассасаларида даволанаётган болажонларимиз учун ҳам байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Айниқса, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида даволанаётган болажонларимизнинг ҳам қувончлари чексиз бўлди.

Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан "Болаликнинг бахтли шукуҳи" деб номланган байрам тадбири ҳам қувноқ кайфиятда ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани раиси Баҳодир Зиёвуддинов тадбирни кириш сўзи билан очиб, болажонларимизни байрам билан қизғин қутлади. РШТЁИМ маркази бош директорининг педиатрия

**(Давоми 3-бетда).**



МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ:

# МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Куни кеча Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида навбатдаги маҳорат дарслари ўтказилди. Ушбу маҳорат дарсларида асосий эътибор "Фтизиатрия ва пульмонологиянинг долзарб масалалари"га қаратилди. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори М. Тиллашайхов мавзу бўйича ўз фикрларини билдириб, бундай маҳорат дарсларининг аҳамияти нечоғли муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Москва фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти директори ўринбосари, профессор Д. Гиллер ҳам сўзга чиқиб, фтизиатрия ва пульмонология соҳасининг масъулиятли ва машаққатли жиҳатлари хусусида гапирди. У марказга илк бор ташриф буюрганлигини айтиб, бу ердаги шароит жаҳон стандартларига мослиги ҳамда малакали кадрларнинг илмий фаолиятлари, ташҳис ва даволаш усуллари намунали олиб борилаётганлиги тўғрисида тўхталди. Машғулотлар жараёнида марказ ёш мутахассислари долзарб мавзуларда ўз тақдимотларини намойиш қилдилар. Маҳорат дарслари қаторида марказда маҳаллий мутахассисларимиз ва россиялик торакал-хирург Д. Гиллер ҳамкорлигида мураккаб операция жараёни амалга оширилди.








Марказнинг операцион блокига кирганимизда, маҳаллий мутахассисларимизнинг ўз ишларига масъулият билан ёндашаётганликлари ва уларнинг барчаси ўз касбий маҳоратларини ишга солган ҳолда ўта мураккаб операцияни амалга ошираётганликларининг гувоҳи бўлдик.

– Кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёти жадал ривожланиб, тиббиёт муассасалари сўнгги русумдаги аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланиб, ноёб операциялар ўтказилмоқда. Шу жумладан, марказимизда беморлар учун барча имкониятлар мавжуд. Қолаверса, замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги касалликка тўғри ташҳис қўйиш, даволаш жараёнини сифатли ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, вазирликнинг 125-сонли буйруғи асосида ташкил этилган маҳорат дарслари ўтказилаётганлиги мутахассислар малакасини ошириш билан бирга аҳолига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур маҳорат дарслари доирасида ўта мураккаб операция жараёни режалаштирилган эди. Амалиёт маҳаллий мутахассисларимиз ҳамда россиялик торакал-хирург Д. Гиллер ҳамкорлигида бажарилди.

Сил касалликлари орасида кам учрайдиган ўпканинг йиринглаш ҳолати бўйича марказимизда даволанаётган беморда ушбу операция бажарилди. Бу жараён албатта, осон кечмади. Чунки ўпкадаги йиринг олиб ташланиб, бронх орқали тушадиган инфекция йўли беркитилди, қон йўқотиш бўлмади, бунинг натижасида бемор саломатлиги тикланади, – дейди марказнинг торакал бўлими хирурги Тожимурод Ҳабибуллаев.



Бу каби маҳорат дарслари марказ мутахассислари томонидан Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳам бўлиб ўтди. Бу тўғрида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Зафар Рашидов шундай дейди:

– Мазкур маҳорат дарслари марказимизнинг маҳаллий мутахассислари томонидан Фарғона ва Андижон вилоятларининг сил касалликлари диспансерларида ўтказилиб, тақдимотлар билан бир қаторда операция жараёнлари ҳам амалга оширилди. Фарғона вилоятида антибактериал турғун касалликларда оператив даволар бўйича 2 та катта операциянинг муваффақиятли ўтказилганлиги тажрибали мутахассисларимиз меҳнати маҳсулидир.

**Марказимизда бўлиб ўтаётган "Фтизиатрия ва пульмонологиянинг долзарб масалалари"га бағишланган маҳорат дарслари доирасида жорий йилнинг 7 июнь куни Бухоро шаҳрида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтади.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

*2014 йил – Соғлом бола йили*

# ЯНГИ БЎЛИМ ИШ БОШЛАДИ

ерда 4 нафар фан доктори, 15 нафар фан номзоди тайёрланиб, улар айни пайтда ўз мутахассисликлари бўйича турли даволаш муассасаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Бўғимлар ва қўл-бармоқлар жарроҳлиги бўйича ушбу марказнинг айнан шундай йўналишдаги даволаш даргоҳларига ўқув-услубий жиҳатдан кўмак бериб келиши алоҳида эътиборга моликдир.







Бу ерга келиб мурожаат қилаётган беморларга профессор Ш. Ҳамроев раҳбарлиги ва кўрсатмаси билан тўғри ташҳис қўйиш, даволаш, жарроҳлик амалиётлари ва беморларни реабилитация қилиш жараёни ташкил этилмоқда. Стационар шароитда даволанаётган ҳар бир бемор эрталабки йиғилишда кафедра ва бўлим ходимлари томонидан текширувдан ўтказилиб, даволаш режасига таклиф бериб борилади. Беморлар тўлиқ қайта ва қўшимча ортопедик текширувдан ўтказилади. Республика ихтисослаштирилган бўғимлар ва қўл – бармоқ жарроҳлик марказида ҳар йили нафақат 1000 нафардан ортиқ юртдошимиз, балки МДҲ давлатларидан келиб мурожаат қилган беморларга ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Таянч ҳаракат тизимининг туғма ва орттирилган нуқсонлари, қўл-бармоқлар патологиясини даволаш бўйича замонавий жарроҳлик амалиётининг ўтказилиши бу ерда малакали ва касбий салоҳияти юқори бўлган мутахассислар захираси шаклланганидан далолат беради. Бўғимлар артропластикалари, болалар ҳамда катталар туғма ва орттирилган таянч ҳаракат тизими нуқсонлари коррекцияси, елка бўғими одатий чиқишларида пластик клиника методи қўлланилиб, беморга тиббий ёрдам кўрсатилади.

– “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек умуммиллий, умумхалқ вазифасида иштирок этиш биз – шифокорлар зиммасига катта масъулият юклайди, – дейди бу ҳақда марказ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шаҳоб Ҳамроев. – Марказимизда 10 ўринга мўлжалланган болалар бўлимини очишдан асосий мақсад фарзандларимиз қўл, бармоқ ва бўғимларида учрайдиган туғма нуқсонлар ҳамда орттирилган касалликларни ўз вақтида даволаш ва саломатликларини тиклашдан иборатдир.

Тадбир давомида бўлимга таклиф этилган тор соҳа мутахассислари томонидан акция ўтказилиб, болажонлар имтиёзли тарзда чуқурлаштирилган тиббий кўрикка жалб қилинди.

**Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг етук ва малакали мутахассислари, шу йўналишда илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар иштирок этиб, марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар.**

**Ибодат СОАТОВА.**

**Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

Байрам шукуҳи

# БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ









(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлари бўйича ўринбосари Ҳилола Алимова ҳам тадбир қатнашчиларига байрам табригини изҳор этиб, шифо масканида болажонлар даволанишлари учун барча шароитлар муҳайёлиги, шу билан бирга байрам тадбирини ташкил этган Чилонзор тумани ҳокимлигига ўз миннатдорлигини билдирди. Болажонларни байрам билан қутлашга келган рассом – санъатшунослик фанлари номзоди Рустамжон Эрматов раҳбарлигидаги "Ҳавас" оилавий гуруҳи ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши қошидаги "Болалар ижодиёти" гуруҳидаги "Камалак юлдузлари" голиблари тадбир қатнашчилари қалбига завқ бағишловчи куйқўшиқларини тақдим этдилар. Айниқса, "Ҳавас" оилавий гуруҳидаги "Ниҳол" давлат мукофоти совриндори Қаҳрамон, либослар дизайнери Шаҳноза, Францияда ўтказилган скрипкачилар кўрик-танлови гран-при совриндори Достонбек ҳамда кичкина қўшиқчи Робия Гуломжоновалар, шунингдек, "Камалак юлдузлари" ғолибларининг чиқишлари болажонлар қалбига ўзгача кўтаринки кайфият бағишлади.

– Соғлом бола йили мамлакатимиз болаларининг саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, баркамол ўсишлари учун барча шароит ва имкониятларни яратишга қаратилган, десам муболаға бўлмайди. Марказимизда фарзандлар соғлигини тиклаш учун алоҳида бўлим мавжуд, тиббий технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминланган. Бўлиб ўтаётган ушбу байрам тадбирида болаларга ташкилотчилар томонидан совғалар тақдим этилиб, улар ажойиб куй ва қўшиқлардан бахраманд бўлишди, – дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказ директори ўринбосари Елена Борисова.

Ҳа, болажон халқимизнинг бундай байрам тадбирлари эртанги келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг бахту камолига қаратилган экан, аввало, юртимиз тинчлиги, турмушимиз фаровонлиги абадий бўлсин!

**1-2-3-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

Долзарб мавзу

# ИНСУЛЬТ – САЛОМАТЛИК ДУШМАНИ

***Ўн уч мингдан зиёд инсульт билан касалланган беморлар устида текшириш ўтказишган Ивате (Япония) тиббиёт институти олимлари ушбу касаллик билан оғриш хавфи бир кунда икки марта – эрталаб ва кечқурун фаоллашишини аниқладилар. Тонгги олти билан саккиз ва тунги ўн саккиз билан йигирма оралиғида инсон миясининг инсульт билан касалланиш даражаси энг юқори чўққига чиқади.***

Кишининг бу бедаво дардга энг кам чалиниш чоғи эса уйқу вақтига тўғри келар экан. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ички организмдаги қон айланиши куннинг маълум бир қисми (соат 6-8 ёки 18-20)да фаоллашиб, чегарасидан чиқади. Бундай пайтда хотиржамликни қўлдан чиқарган заиф организм инсульт билан касалланиши мумкин экан.

– Мия инсульти – миянинг бирор артерия қон томири ёрилиши туфайли мия тўқимасига қон қуйилиши (геморрагик инсульт) ёки миянинг бирор артерия томири ўта торайиши (тўсилиши) туфайли мия тўқимасининг маълум қисми қонсизланиши (ишемик инсульт) натижасида вужудга келадиган ҳаёт учун ўта хавфли касаллик ҳолатидир, – дейди **Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази профессори Фазлиддин Бахриддинов**. – Геморрагик инсульт – касалликнинг энг оғир шакли бўлиб, қон босими ошиши натижасида юз беради. Бунда қон томирлари ҳаддан ташқари юқори қон босимига бардош бера олмай ёрилади ва қон мия моддасига қуйилади. Натижада мия сиқилиб, унинг маълум бир қисми нобуд бўлади. Бу холат бир вақтда рўй беради. Ишемик инсульт натижасида қон томирлари ёрилмайди, лекин улар орқали қон оқими тромб (тўсиқ)лар туфайли тўхтаб қолади. Тромб – ёш ўтган сайин қон томирларида кўпайиб борадиган моддадир. У ҳар қандай аъзога қон келиш йўлини тўсиб қўйиши мумкин, натижада ўша аъзо инфарктга учрайди. Инсультнинг бу тури одатда ёши ўтган инсонларда кўпроқ учрайди. Ишемик инсульт бир вақтда ёки бир неча кунлар давомида содир бўлиши мумкин.

– **Мазкур касалликни олдиндан билиш мумкинми, қандай белгилари бор?**

– Афсуски, инсультнинг бошланиши сезилмайди. Инсульт бошланган бўлса ҳам, инсон ҳеч қандай оғриқ ёки ноxуш ҳолатни сезмаслиги мумкин. Тўсатдан беморнинг боши, кўзи оғрийди, кўнгли айниб, қусади. Юзи тўқ қизил тусга киради, пастки лаби осилиб қолади, нафас олиши тезлашади, шовқинли бўлади, совуқ тер босади, ўнг ёки чап қўл-оёқлари фалажланади, юзининг ўнг ёки чап томони қийшайиб қолади, ҳушини йўқотади. Беморнинг ўзи ҳам, унинг яқинлари ҳам мияда катта муаммо вужудга келганидан бехабар бўладилар. Ишемик инсульт мия томирлари **тромбози** натижасида пайдо бўлади, бу мия тўқимасининг юмшаши – мия инфарктига олиб келади. Бош оғриши, айланиши каби дастлабки белгилар пайдо бўлгандан кейин бемор ҳушдан кетмай, қўл ёки оёқ увишади, сўнгра парез ёки фалаж бўлади, сезиш қобилияти йўқолади ёки пасаяди, нутқ бузилади. Беморнинг ранги ўчган, кўз қорачиқлари тор, пульси заиф, аммо ҳарорати меъёрида бўлади. Бузилган функциялар бир неча ойда аслига келиши мумкин. Эмболияга алоқадор инсультда мияда қон айланиши тўсатдан (баъзан жисмоний зўриқишдан) бузилади. Эмболиядан олдин кишининг умумий аҳволи оғирлашади: дармони қурийди, ҳаллослайди, юраги «ўйнайди», ҳарорати кўтарилади. Мия тўқимаси қонсизланганлиги туфайли қўл-оёқ фалаж бўлади, ташқи таъсирларни сезмайди, баъзан нутқ бузилади. Бузилган функциялар 1-3 ой ичида (баъзан тўла) тикланиши мумкин. Инсультнинг дастлабки белгилари пайдо бўлганда дарҳол врач чақириш, беморни тамомила тинч қўйиш керак. У фақат врач маслаҳати билан парвариш қилинади.

– **Инсультнинг ҳар иккала турига чалиниш хавфи қандай инсонларда кўпроқ учрайди?**

– Ишемик инсульт ёши 50 дан 80 гача бўлган ва 80 ёшдан ошган эркакларда. Шунингдек, артериал гипертония (қон босимининг юқори бўлиши), қандли диабети бор беморлар ҳамда шўр маҳсулотларни кўп истеъмол қиладиганлар, вазни оғир бўлган инсонлар. Шу билан бирга эса жисмоний ҳаракат қилмайдиганлар, баъзи юрак касалликлари, атеросклерозга чалинган (қон томирларининг қисилиши) беморлар, чекадиган, алкоголь маҳсулотларини қабул қиладиган ва яқин қариндоши инсульт бўлган инсонлар ушбу хасталикка кўпроқ дучор бўлиши мумкин. Геморрагик инсультда эса, қон томирларининг табиий ҳолати бузилган инсонлар, узоқ давом этадиган ёки мунтазам равишда қон босими кўтариладиган, қон қуйилиш функцияси бузилган, мия шиши мавжуд бўлган ва мия яллиғланишига чалинган беморлар хасталанишади.

– **Даволаш усуллари қийин кечмайдими?**

– Энг аввало инсон ўз танасининг бир томонида сезгирлик йўқолиши, кўриш қобилиятининг тўсатдан бузилиши, гапиролмаслик ёки гапни тушуна олмаслик ҳамда тўсатдан



кучли бош оғриғи ва бўшашиш, тил айланмай қолиши, кўз жимирлаши билан биргаликда бош айланиши намоён бўлиши каби ҳолатларни сезса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиши лозим. Шифокор текшируви ва тавсияси асосида зарурий даволаш олиб борилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, бугунги кунда инсультнинг ҳар иккала турини даволаш учун марказимиз барча энг замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган. Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ дейишади, шундай экан, ўз вақтида шифокорга мурожаат этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

– **Ушбу хасталикнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?**

– Бунинг учун дам олиш, меҳнат қилиш ва овқатланишни тўғри йўлга қўйиш, руҳий-асабий зўриқмаслик, юрак қон-томир касалликларини ўз вақтида даволатиш лозим. Қон босимини доимий назорат қилиб юриш, қон босими тинч ҳолатда 140/90 дан юқори юрадиган барча инсонлар қон босимига ниҳоятда эътиборли бўлиши талаб этилади. Чекаётганлар чекишни ташлаши, алкоголь ичимликларини меъёридан ортиқ қабул қилмасликлари муҳимдир. Айниқса, мунтазам равишда жисмоний машғулотларни бажариш лозим. Бунда оғир машғулотлар эмас, балки организм учун қулай ва ёқимли ҳаракатлар назарда тутилади (масалан, тоза ҳавода айланиш, енгил жисмоний, шифокор томонидан тақиқланмаган бошқа машғулотлар). Қондаги холестерин моддаси даражасини пасайтириш керак. Юқори даражадаги холестерин инсульт хавфини оширади. Жисмоний активлик, махсус парҳез холестерин даражасини пасайтиришга ёрдам беради. Қандли диабетга чалинган бемор инсультнинг олдини олиш мақсадида шифокор билан махсус парҳезни ишлаб чиқиши ва ундан фойдаланиш талаб этилади. Шўр ва ёғли маҳсулотларни истеъмол қилмаслик мақсадга мувофиқдир. Шу қаторда дудланган маҳсулотларни ҳам овқатланиш рационидан чиқариб ташлаш лозим.

**Сирожиддин ШОНАЗАРОВ ёзиб олди.**

Анжуман

# АЛЛЕРГИЯ ВА АСТМА

## у тўғри даволансагина самарага эришиш мумкин

***1997 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан GINA шиори остида (Global initive for Astma – Бронхиал астмага қарши халқаро ташаббус) 29 май куни – “Халқаро астма ва аллергияга қарши курашиш куни” деб эълон қилинган эди. Ўшандан бери соҳа ходимлари мазкур кунни нишонлаб келади.***





Шу муносабат билан ўтган ҳафта пойтахтимиздаги “Дедеман” меҳмонхонасида “Аллергия ва астма” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази томонидан ташкил этилди. Тадбирда аллергия ва бронхиал астманинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг клиник симптомлари ва даволаш масалалари бўйича фикр алмашув бўлиб ўтди.

**Озод НАЗАРОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош аллергологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

– Сана муносабати билан мамлакатимизда бронхиал астма таълим дастурини яратиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. Бу шифохона шароитида бронхиал астма билан касалланган беморлар учун “Астма ва аллергия” мактабларини ташкил қилишда ва ҳар бир бемор билан бевосита машғулот ўтказишда ўз самарасини бермоқда. Худди шундай Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази қошида 1996 йилдан бери “Астма ва аллергия” мактаби ўз фаолиятини кўрсатиб келмоқда, бундан ташқари, республикамизнинг 7 та вилоятида худди шундай мактаб фаолияти йўлга қўйилган. Дастурлар малакали аллерголог-шифокорлар томонидан ўтказиб келинади. Касаллик ташҳиси ва давоси бўйича кўпчилик халқаро қўлланмаларда бронхиал астмаси бўлган беморларни бошқариш (олиб бориш) олтита (банд)га ажратилган. Биринчи бандда – бронхиал астмани даволашда биргаликда иш олиб боришни ривожлантириш мақсадида беморларни ўқитиш, ўргатиш таъкидланган.

Бронхиал астма касаллигига чалинган беморларни ўқитиш – уларнинг ҳаёт тарзи анча яхшиланишига, кўпчилик беморлар ҳаётини узайтиришга олиб келади. Ўқитишнинг асосий мақсади – беморга шифокор назорати остида “ўз-ўзини малакали даволаш” учун шароит яратиб бериш ҳамда бемор ва уларнинг яқинлари тиббий маданиятини оширишга ҳисса қўшишдир.

Республикамизда охирги беш йиллик статистик маълумотларга кўра, болалар ва ўсмирлар орасида “Аллергик ринит” хасталиги билан оғриганлар 11 фоизга, “Бронхиал астма”га чалинган беморлар 5 фоизга кўтарилгани аниқланган. Бу кўрсаткичнинг ёшларда ўсиб бораётганини инобатга олиб, аллергияга қарши тиббий таълим тизимини янада кучайтириш мақсадида марказнинг малакали шифокорлари томонидан вилоятларда даврий равишда тиббий кўрик уюштирилмоқда. Барча тиббиёт тизимидаги шифокорлар аллергик хасталикларни эрта аниқлаш ва ташхислаш мақсадида ишлаб чиқилган қўлланмалар билан таъминланган. Шифокорлар учун тез-тез семинар уюштирилмоқда. Марказда 29 май – “Очиқ эшиклар куни” деб эълон қилинган бўлиб, унга мурожаат этган барча беморларга малакали мутахассислар томонидан бепул тиббий хизмат кўрсатилди.

**Васила АЛИЕВА,
Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази маслаҳат-поликлиникаси врач-координатори, тиббиёт фанлари доктори:**

– Аллергия касаллигининг дастлабки белгилари эрамиздан аввалги 2641 йилда Миср фиръавнларида аниқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аллергик касалликлар тарқалиш бўйича учинчи ўринда туради. Эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ер юзи аҳолисининг 10-30 фоизи аллергиядан азият чекади. Бугун атрофга назар солсак, жуда кўп омиллар, масалан, наслдан наслга ўтиш, уй ҳайвонлари, аллергия қўзғовчи озиқ-овқатлар, бактерия ва инфекциялар, кашандалик, атмосфера ифлосланиши кабилар аллергик касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Бугунги семинарда асосан, Тошкент шаҳридаги аллергологлар иштирок этишаяпти. Шу боис, асосий эътиборни умумий амалиёт шифокорларининг аллергия соҳасидаги фаолиятларини яқинлаштириш, уларга тўғри даволаш усулларини ўргатишга қаратганмиз. Чунки аллергия ва бронхиал астманинг клиник хусусиятлари ўзгарган, бу эса ҳар бир аллергологдан чуқур изланиш олиб боришни, аллергик яллиғланиш хусусиятларини тадқиқ қилишни талаб этади. Семинардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида.

Агар бемор аллергик касалликларни вақтида даволамаса, унинг оқибатлари ногиронликка сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун касалликнинг олдини олишда ва даволашда қуйидаги учта омил жуда муҳим аҳамиятга эга: тўғри ташҳис қўйиш, даволаш ҳамда ўзини ўзи бошқариш.

Марказимизга мурожаат қилган беморлар учун барча шароитлар яратилган. Дастлаб уларга касаллик ҳақида батафсил маълумот берамиз. Шундан кейин жаҳон стандартларига асосан текшириш ва даволаш ишлари олиб борилади.

**Илмий-амалий семинарда мавзуга доир бир қатор маърузалар иштирокчиларга ҳавола этилди. Мастер-класс, савол-жавоб тарзида ўтган семинар барчада катта таассурот қолдирди.**



# КАРДИОЛОГИЯНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

***30-31 май кунлари пойтахтимиз яна бир тиббий анжуманга мезбонлик қилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон кардиологлари ассоциацияси томонидан “Замонавий кардиология: инновацион технологиялар ва уларнинг татбиқ этилиши” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди.***



Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан мутахассис-кардиологлар ҳамда Қозоғистон, Россия, Украина, Ҳиндистон, Туркия каби давлатлардан кардиология соҳасининг етук шифокорлари иштирок этишди.

Аввало айтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда кардиология соҳасини ва бу борадаги илмий ютуқлар халқаро талабларга мос келмоқда. Бинобарин, тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, миллат саломатлигини асраш, жумладан, юрак қон-томир хасталиклари туфайли юз бериши мумкин бўлган нохуш вазиятларнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ижроси устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

– Бугунги анжуманнинг асосий мақсади – республикамизнинг даволаш ва профилактика муассасаларида кардиология соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни таҳлил қилиш, уларга баҳо бериш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида юрак қон-томир касалликлари ва улар орқали содир бўлаётган ўлим ҳолатларини янада камайтиришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш, жумладан, ташҳислаш ва даволаш жараёнида юқори технологик услублардан кенг фойдаланишдан иборатдир, – **дейди Ўзбекистон кардиологлари ассоциацияси раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Равшан Қурбонов**. – Бу борада Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг иш фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин. Марказда ҳозирги кунда аҳолига юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда юрак қон-томир касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифаларни бажаришга катта эътибор қаратилган. Айни пайтда бу ерда 10 та махсус кардиологик бўлим фаолият кўрсатмоқда. Уларда артериал гипертония, ўткир миокард инфаркти, юрак-ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги каби хасталиклар самарали даволанаяпти. Эътиборлиси, айни пайтда кунига 250 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган, замонавий қулайликларга эга бўлган маслаҳат поликлиникаси ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Илмий-амалий анжуманда таъкидланганидек, тиббиётда ўтказилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, кейинги ўн йил ичида миокарднинг ўткир инфарктидан содир бўлаётган госпитал ўлим ҳолатлари 9-10 фоизгача тушишига олиб келинди. Хусусан, марказда коронароангиография – юрак тожсимон артерияларининг торайган қисмларини аниқлаш, уларга стент (найча) ўрнатиш каби юқори технологик усуллар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

– 2013 йилда марказимизда 1147 нафар беморда коронарография каби ташҳислаш услуби, 612 нафарида эса торайган артерияларига стент ўрнатиш муолажалари сифатли бажарилди, – **дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази артериал гипертония бўлими раҳбари Гулноза Ҳамидуллаева.** – Бу дегани нафақат дарддан қутулиш, балки беморни тўлақонли ҳаётга ва меҳнатга қайтаришдир. Яна бир юқори технологик усул – юракнинг мураккаб аритмияларида қўлланиладиган радиочастотали аблация (РЧА) ва электрокардиостимуляция (ЭКС) усуллари ҳам марказимизда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Масалан, радиочастотали аблация усули – беморни даволашда халқаро стандартларга мос

**(Давоми 5-бетда).**



# КАРДИОЛОГИЯНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

келувчи юқори технологик усул ҳисобланади. Бунда, кўкрак қафасини очмасдан, яъни “қонсиз” йўл билан – махсус мослама ёрдамида юракка етиб бориб, унинг нотекис уриши (аритмия) баъзи турлари радиотўлқинлар воситасида бартараф этилади. Бундай операциялар Марказий Осиёда илк бор бизнинг марказда ўтказилган бўлиб, 2008 йилдан буён 150 нафардан ортиқ бемор батамом тузалиб кетди.

Анжуманда маъруза қилган ўзбекистонлик кардиологлар қайд этишдики, мамлакатимизда интервенцион кардиология соҳасининг ривожлантирилиши унинг вилоятларда ҳам татбиқ этилишига замин яратди. Ҳозирда Кардиология марказининг Урганч филиалида ва Наманган вилояти кардиология диспансерида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кардиожарроҳлик бўлимлари фаолият юритмоқда. Бу ерда юрак клапанларидаги нуқсонлар ва юракнинг туғма пороклари мураккаб жарроҳлик усуллари амалга оширилмоқда.

Маърузачилар тадбирнинг биринчи кунида ўз эътиборларини кардиологик хизматнинг вазифалари ва ривожланиш истиқболлари, коронар ва каротид артерияларининг биргаликда шикастланишини диагностика қилиш ва жарроҳлик йўли билан даволаш, юрак қон-томир хавфи даражасини пасайтиришнинг илмий истиқболлари, замонавий юксак технологияларни қўллаб юрак қон-томир касалликларини даволашнинг самарадорлигини ошириш каби муҳим мавзуларга қаратдилар.

Анжуманнинг иккинчи кунида иштирокчилар Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига ташриф буюрдилар. Аввало, улар бу ердаги беморлар учун яратилган шарт-шароитлар, даволашнинг замонавий технологиялари, соҳадаги янгиликлар билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг марказда тиббиёт фанлари доктори, профессор Р. Қурбонов ва россиялик мутахассис, профессор Г. Арутюнов раҳбарлигида “Кардиологлар мактаби” иш бошлади. Маҳорат дарслари давомида юрак ва қон-томир касалликлари, улар туфайли юзага келадиган ўлим ҳолатларини камайтириш каби масалаларга катта эътибор қаратилиб, бу борада соҳа мутахассислари қатори, умумий амалиёт шифокорлари ҳам жиддий ёндошувлари зарурлиги қайд этилди.

Марказнинг кичик мажлислар залида эса “Ёш олимлар танлови” ўтказилди. Бунда ўзбекистонлик, россиялик, украиналик ёш кардиологлар ўзларининг илмий изланишлари, олиб борган тадқиқотлари натижаси билан йиғилганларни таништирдилар.

Анжуман сўнгида Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош кардиологи Р. Мамутов “Юрак қон-томир касалликлари профилактикаси самарадорлигини оширишда вилоят кардиодиспансерларининг роли, кардиологик хизмат ривожланишининг 2014-2015 йилларга вазифалари” тўғрисида маъруза қилиб, бу борадаги аниқ ва муҳим вазифаларга тўхталди. Тадбир давомида вилоятлар бош кардиологлари ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишди.

**Умуман олганда, кардиология соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўлами кенг. Бинобарин, миллат саломатлигини асраш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, баркамол авлодни тарбиялашга эътибор ва ғамхўрлик қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар – давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир.**

(Давоми. Боши 4-бетда).

*Давра суҳбати*

# СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ

## бу жараёнда журналистнинг ўрни

***Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Сиёсий модернизация жараёнларида оммавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифалар” мавзусида журналистлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги каби ташкилотлар томонидан ташкил этилди.***

Унда асосий эътибор мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнларида ОАВ масъулиятини ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш, шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш масалаларига қаратилди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов олиб борди. Унинг таъкидлашича, республикамизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йил қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойили босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашда муҳим омил бўлди.



– “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам мамлакатимизда ривожланаётган фуқаролик жамиятининг муҳим кафолатларидан биридир, – дейди “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги директори А. Болиев. – Мазкур Қонун давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, юртимизда ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида аҳолининг, миллий ва хорижий ОАВнинг хабардор бўлиши самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу боис ҳар бир журналист Қонуннинг мазмун-моҳиятини тўлиқ билиб олиши керак.

**Тадбирда сўзга чиққанлар сиёсий модернизация жараёнини ёритиш ижод аҳли зиммасига катта вазифалар юклаши, бу борада аҳоли ўртасида олиб бориладиган кенг ахборот-тушунтириш ишларида ОАВ фаол иштирок этиши, шунинг учун журналистларнинг масъулиятини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратдилар.**

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ.**
**Суратлар муаллифи**
**Жасур ЖАЛИЛОВ.**

*Анжуман*

# ВАЛЕОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

***Ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзи тамойилларига тўла риоя этиши касалликларнинг олдини олиш, соғлом ва узоқ умр кечиришда муҳим омил ҳисобланади. Ана шу йўналишдаги долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жаҳон тиббиётида янги йўналиш – валеология фани юзага келди ва изчил ривожланмоқда.***

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида валеология ва уни соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш масалаларига бағишлаб ташкил этилган республика илмий-амалий анжуманида шулар ҳақида сўз борди.



Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Ж. Собиров, Ўзбекистон валеолог врачлар уюшмаси раиси Ш. Эргашев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тиббий-профилактика ишларини кенгайтириш, халқимиз фаровон турмуш кечириши учун қулай шароит яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини муҳофазалаш ва саломатлигини асрашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда аҳолига замонавий андозалар даражасида бирламчи тиббий-профилактика, шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, санитария-эпидемиология барқарорлигини сақлашнинг замонавий тизими яратилган. “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳалар кўлами янада кенгаймоқда.



Айни пайтда жаҳон тиббиётининг замонавий йўналиши – валеология фанини соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу фан тиббиёт предметлари таркибига киритилди. Жорий йил Ўзбекистон валеолог врачлари уюшмаси ташкил этилди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида валеология кафедраси фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз шифокорлари соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришнинг замонавий валеологик тамойиллари юзасидан билим ва малакасини оширмоқда.

**Анжуманда тиббий-профилактика хизматини янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги самаралари, соғлом бола тарбиясида жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларидан кенг фойдаланиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.**

**Б. ХИДИРОВА.**
**Суратлар муаллифи**
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Конференция*

# ПРОБЛЕМЫ ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИИ И КОСМЕТОЛОГИИ

***В мае нынешнего года в г. Бухаре прошла международная научно-практическая конференция "Состояние и проблемы дерматовенерологии и косметологии в Республике Узбекистан". В конференции приняли участие 215 делегатов из различных регионов Узбекистана, 14 делегатов из стран СНГ и дальнего зарубежья.***

Конференцию открыл директор Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра дерматологии и венерологии МЗ РУз, д.м.н. У. Сабиров. С приветственной речью выступил начальник Главного управления науки и учебных заведений МЗ РУз У. Исмаилов.

В докладе было сказано, что кожно-венерологическая служба Республики Узбекистан принимает активное участие в реализации широкомасштабных реформ, поэтапно осуществляемых в системе здравоохранения по инициативе Главы государства, которые нацелены, в первую очередь, на достижение таких высоких целей, как укрепление генофонда страны, повышение уровня благосостояния населения, воспитание всесторонне развитого молодого поколения, являющегося решающей силой сегодняшнего дня и опорой будущего, в том числе и в подготовке врачей общей практики для решения вопросов первичной диагностики и лечения наиболее часто встречающихся кожных, грибковых заболеваний и инфекций, передаваемых половым путем.

Тематика пленарных и секционных заседаний конференции – актуальные проблемы дерматологии, актуальные проблемы инфекций, передаваемых половым путём, и репродуктивного здоровья, инфекционные заболевания кожи, детская дерматовенерология, актуальные проблемы дерматокосметологии, заседание молодых учёных дерматовенерологов и косметологов.

Состоялось пленарное заседание с участием всех делегатов и гостей конференции, затем в первый день конференции работали 4 секционных заседния по таким темам, как "Актуальные проблемы дерматологии"; "Актуальные проблемы инфекций, передаваемых половым путём и репродуктивного здоровья"; "Инфекционные заболевания кожи"; "Детская дерматовенерология".

Первое пленарное заседание началось с доклада директора РСНПМЦДиВ МЗ РУз, д.м.н. У. Сабирова Он сообщил об эпидемиологической ситуации с инфекциями, передаваемыми половым путем (ИППП) и заразными кожными заболеваниями, подробно изложил динамику ИППП и заразных кожных заболеваний за последние годы в Республике Узбекистан и в мире, о проводимых профилактических мероприятиях по снижению вышеуказанных заболеваний, а также о первоочередных задачах дерматовенерологической и косметологической служб. Затем был заслушали доклад заместителя директора по лечебной работе, главного врача клиники РСНПМЦДиВ МЗ РУз, главного дерматовенеролога МЗ РУз А. Абидова, в котором были изложены основная стратегия и перспективы развития дерматовенерологической и дерматокосметологической службы Республики Узбекистан на 2014-2018 гг.

С научно-практическими докладами выступили ученые из стран СНГ.

Профессор А. Молочков доложил о новых диагностических подходах в тактике лечения ранних стадий Т-клеточной лимфомы кожи и путях их внедрения в дерматовенерологические учреждения. А. Цилосани сообщил о механизмах действия и эффективности новой технологии трансплантации волос. В своем докладе проф. Ж. Испаева указала, что в последние годы отмечается рост больных атопическим дерматитом и рассказала о новых методах его лечения.



Профессором А. Рахматовым был представлен доклад на тему "Новые технологии в лечении заболеваний волос и ногтей", в котором были отражены данные о том, что дефицит определенных микроэлементов (цинк, селен, медь и др.) способен приводить к ухудшению роста не только волос, но и ногтей, что и было учтено при разработке новой технологии лечения патологии указанных придатков кожи. Тем более, что изменения ногтей зачастую имеют не микотический, а скорее обменный характер, что и послужило основой разработки данной технологии. Использование комбинации микроэлементов и эубиотиков (для лучшего усвоения) имеет свою целесообразность при лечении многочисленных патологических изменений волос (алопеции, преждевременное поседение волос и др.) и ногтей (онихопатии).

В докладе д.м.н. Ш. Мавляновой были представлены новые аспекты патогенеза атопического дерматита с учетом иммунологических и биохимических параметров исследования, представлены новые способы диагностики степени тяжести атопического дерматита с бактериальной сенсибилизацией и атопического синдрома, которые способствуют ранней диагностике тяжелой степени тяжести заболевания, и новые методы патогенетической терапии с использованием отечественных препаратов – гемалин, феррокамед, обладающих иммунокоррегирующим и детоксикационным действиями. Представлены предварительные инновационные данные внедрения нового способа диагностики степени тяжести атопического дерматита в Республике Узбекистан (на примере Ферганской и Бухарской областях).

В выступлении к.м.н. И. Рахимова "Современные подходы к лечению андрогенной алопеции" было доложено, что облысение мужского типа очень распространено, и в той или иной степени и им страдает половина мужского населения мира в возрасте от 20 до 60 лет. В последние годы отмечается учащение и омоложение андрогенной аллопеции. Причиной развития этого состояния считается повреждающее действие мужского гормона тестостерона на волосяные фолликулы. Под влиянием мужских гормонов андрогенов чувствительные к ним фолликулы постепенно уменьшаются в размерах, атрофируются и, в конечном итоге, рассасываются организмом.

Д.м.н. З. Абидова выступила с докладами, отражающими современное состояние лабораторной диагностики дерматомикозов в республике, а также особенности такого дерматомикоза, как трихофития лобковой области. В докладе "Состояние и общие проблемы диагностики микозов в Узбекистане" нашли свое отражение такие организационные аспекты деятельности, как изменение количества лабораторий, принципы организации лабораторного обследования – с централизацией и децентрализацией проводимых исследований, рассмотрена сравнительная эффективность обоих принципов работы. Проведен анализ соотношения количества выявленных случаев грибковых инфекций (позитивных результатов) с количеством зарегистрированных больных.

В докладе "Современные эпидемиологические, клинико-иммунологические аспекты кожного лейшманиоза" д.м.н. З. Абидова представила результаты анализа регистрации заболеваемости кожным лейшманиозом в эндемических зонах Узбекистана, изучена структура заболеваемости в зависимости от возраста и пола больных, а также особенности клинического течения в различных регионах страны. Приведены результаты иммунологических исследований во взаимосвязи с клиническим течением.



В докладе к.м.н. А. Абидова "Современный подход в диагностике генитального кандидоза" было доложено, что в настоящее время отмечается рост регистрации урогенитального кандидоза как во всем мире, так и в Республике Узбекистан. Однако, на местах отмечаются случаи гипердиагностики, связанные неправильной интерпретацией лабораторных данных, и установление диагноза без лабораторного подтверждения. Другой проблемой является ослабление эпидемиологической работы с группой конфронтации (половыми партнерами), особенно врачами, акушерами, гинекологами, которые выявляют до 50% урогенитального кандидоза у женщин.

В сообщении профессора А. Рахматова "Современная концепция антивирусной терапии в дерматовенерологии" были рассмотрены проблемы вирусных дерматозов и ИППП, их клинические проявления и возможности диагностики, включая современные ИФА- и ПЦР-исследования. Было указано, что некоторые противовирусные препараты способны оказывать и определенный иммуномодулирующий эффект, особенно положительно влияя на состояние цитокинового статуса. Было отмечено, что с каждым годом разработка и внедрение новых противовирусных препаратов и технологий является весьма перспективной.

В докладе к.м.н. А. Абидова "К проблеме лечения хронического простатита" озвучено, что на сегодняшний день имеет место омоложение этой патологии. Это, прежде всего, связано с ранним началом половой жизни мужчин, самолечением пациентов, способствующим хронизации процесса, лечения пациентов не по стандартам и без предварительного обследования пациента с учетом возможного индицирования ИППП.

Интерес вызвал доклад О. Извековой, который был посвящен результатам обследования на ВИЧ больных с УГИ и различными дерматозами.

Во второй день было проведено 4 секционных заседания: "Актуальные проблемы дерматологии"; "Актуальные проблемы дерматокосметологии"; мастер-классы по косметологии; заседание молодых учёных дерматовенерологов и косметологов Республики Узбекистан по теме "Актуальные проблемы дерматомикологии, косметологии и инфекций, передаваемых половым путём".

К.м.н., с.н.с. Б. Саатов выступил с актуальным докладом на тему "Современные подходы к терапии витилиго". Данный доклад был посвящен методу нанотехнологии, который впервые использовался в направлении дерматологии. Отмечая некоторые достижения в организации дерматовенерологической службы и улучшении профилактических, лечебно-диагностических мероприятий, ученые обращают внимание на рост таких дерматозов, как витилиго, которые трудно поддаются лечению, а эффективные методы терапии, удовлетворяющие потребности врачей и пациентов, отсутствуют. Разработанный современный, многокомпонентный липосомный препарат, предназначенный для патогенетической терапии витилиго, обладает реконструирующим, мембраномодифицирующим, антиоксидантным, противовоспалительным, транспортирующим действием и который повышает клиническую эффективность лечения и нормализует биохимические показатели организма больных, а также имеет меньше побочных действии по сравнению с традиционным методом терапии.

Ведущими учеными были проведены мастер-классы по дерматокосметологии.

В рамках конференции состоялось внеочередное заседание Ассоциации дерматовенерологов Узбекистана, где президентом ассоциации был избран д.м.н. У. Сабиров.

Во время проведения конференции были обсуждены полученные новые научные достижения в области дерматовенерологии, результаты внедрения высокоинформативных и современных методов диагностики и лечения в практическое здравоохранение, прошел обмен мнениями, дискуссии между узбекскими и зарубежными дерматовенерологами по актуальным проблемам дерматовенерологии.

Во время проведения конференции прошла выставка 28 фармацевтических компаний, где были представлены новые лекарства и технологии, применяемые в дерматовенерологии и косметологии. Были розданы проспекты, брошюры с информацией о лекарственных препаратах, зарегистрированных в Республике Узбекистан.

**И. РАХИМОВ,**
**А. ИСМАИЛОВ,**
**Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр дерматологии и венерологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.**

*Маҳорат мактаби*

# ПЕДИАТРЛАР МАҲОРАТ ОШИРИШДИ

***Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг янги ва замонавий биносида хизмат қилаётган соҳа ходимлари болалар саломатлигини сақлаш борасида самарали фаолият олиб боришаяпти.***



– Жорий йилнинг январь ойида янги бинода иш бошлаган клиникамиз 80 ўринга мўлжалланган, – дейди бош шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Гулраъно Усмонова. – Кардиоревматология, неврология, пульмонология ва гўдак ёшдаги болалар касаллиги каби бўлимлар аҳоли хизматида. Биласиз, болалар жуда нозик бўлишади, улар билан тил топишиш, касаллигига тўғри ташҳис қўйиш ҳар бир шифокордан алоҳида масъулият талаб этади. Шу боис клиникамизда ходимларнинг малакасини такомиллаштириш, билимларини кенгайтириш учун белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилган бўлиб, улар хорижий давлатларга бориб, тажриба алмашиб келмоқдалар. Бу эса ўз навбатида тиббий хизмат такомиллашишига, сифати янгиланишига замин яратаяпти. Бугунги маҳорат мактабини ҳам шу саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми, десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Жорий йилнинг 4 июнь куни ТошПТИ клиникасида Гарвард университети Тиббиёт хизматининг педиатрия бўйича маслаҳатчиси Эдверд Жеймс О'Рурк иштирокида "Гени ўзгартирилган маҳсулотларнинг болалар соғлигига таъсири" мавзусида маҳорат мактаби ўтказилди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Шавкат Тиллаев кириш сўзи билан очиб, соҳа фаолиятида маҳорат мактабларининг ўрни хусусида гапириб ўтди.

– Ўзбекистонга бир неча бор келганман, – дейди меҳмон, жаноб О'Рурк. – Мамлакатингизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, умуман, тиббиёт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани мени ҳар доим мамнун этиб келади.



Эдверд Жеймс О'Рурк педиатрия соҳаси ва гени ўзгартирилган маҳсулотларнинг болалар соғлигига таъсири ҳақида маъруза қилди. У асосан педиатр ва умумий амалиёт шифокорларининг фаолиятига эътибор қаратиб ўтди. Шунингдек, бугун дунё миқёсида гени ўзгартирилган маҳсулотлар (масалан, донли экинлар, мевалар) кўпаяётгани, улар эса болалар соғлигига жиддий зарар келтираётгани хусусида ҳам атрофлича тўхталди.

Бўлиб ўтган ушбу маҳорат мактабида клиниканинг 100 нафарга яқин ходимлари иштирок этди.

– Жаноб О'Рурк ташрифи давомида клиникамизда болалар учун яратилган шароит билан яқиндан танишди, – дейди Гулраъно Усмонова. – У ҳар бир бўлимни айланиб чиқиб, тегишли фикрларини билдирди ва клиникамиз фаолиятидан жуда мамнун бўлди. Меҳмоннинг бу ташрифи ҳар икки давлат педиатрлари ўртасида алоқаларни янада кенгайтиришга, ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилади, албатта.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Дил изҳори*

# ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА

Тўсатдан аҳволим оғирлашиб, ҳушимни йўқотибман. Фарзандларим зудлик билан пойтахтимиздаги 7-шаҳар клиник шифохонасининг шошилинч кардиология бўлимига олиб боришибди. Ҳушимга келгач, бошимда парвона бўлиб турган шифокору ҳамшираларни кўриб, касалхонада эканлигимни тушундим. Шифокорларнинг ташҳисига қараганда, ўткир миокард инфаркти хуружини оёқда ўтказган эканман. У нафақат юрагимга, балки нафас олиш йўллари билан бирга, ўпка соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказиб улгурган экан. Мазкур бўлимнинг тажрибали шифокорлари, яъни бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Холида Сагатова, даволовчи врачим Рустам Толипов, кардиолог-врачлар Нигора Очилова, Сардор Парпиев, бири-биридан чаққон, меҳрибон, ўз касбининг фидойиси бўлган ҳамширалардан Севара Шарипова, Шоҳиста Маҳаматова, Наргиза Худойберганова, Нигора Турсунбоева ҳамда кичик тиббиёт ходимлари Лобар Умрзоқова ва Муаззам Эминоваларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳаётим сақлаб қолинди. Айниқса, даволовчи врачим Рустам Толиповнинг ўз касбига бўлган иштиёқи, меҳри, даво муолажалари кўнглимни кўтариб, дардимни енгиллаштирди. Бундай оғир аҳволда инсоннинг ҳаёт билан видолашиши ҳеч гап эмас экан. Ана шундай пайтда жонимизга оро кирадиган шифокорларимиз борлигига шукр қилар экансан киши. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган шифохона бош врачи Фарҳод Илҳомов ва унинг аҳил жамоасига самимий миннатдорлигимни билдириб, бахтимизга омон бўлишларини Оллоҳдан тилаб қоламан.

**Миржалол МИРАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳри.**

## *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2014 йил 27 майдаги 6-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилган ҳамда хўжалик судининг қарори бўйича амал қилиши тугатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати**

**Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент шаҳри | Миробод тумани, Қўйлиқ-2, 11-уй, 27-хонадон | "FARRUH DENT PLUS" МЧЖ | Ю-0370 30.12.2009 й. берилган |
| 2 | Тошкент шаҳри | Якасарой тумани, Муқимий кўчаси, 9-уй | "MEDICAL REPRESENTAL" МЧЖ | 0364-01 17.07.2012 й. берилган |
| 3 | Тошкент шаҳри | Юнусобод тумани, Марказ-5, Ш.Рашидов кўчаси, 71-А уй | "NIGORA DOCTOR DENTAL" МЧЖ | 1291-00 04.05.2012 й. берилган |
| 4 | Тошкент шаҳри | Сергели тумани, Сергели-3 мавзеси, 27-А уй | "XURSHID-119" хусусий корхонаси | Ю-0282 05.12.2009 й. берилган |
| 5 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Бўстонлиқ кўчаси, 27-уй, 3-хонадон | "DOKTOR DENTAL KLINIKASI" хусусий корхонаси | Ю-0882 28.03.2011 й. берилган |
| 6 | Фарғона вилояти | Қува шаҳри, М.Ҳасанов МФЙ, М.Ҳасанов кўчаси | "КАВСАР ШИФО" хусусий корхонаси | Ю-0735 29.09.2010 й. берилган |
| 7 | Наманган вилояти | Наманган шаҳри, Қуқумбой шоҳкўчаси, 10-уй | "VODIY-TRANS-SAVDO-SERVIS" МЧЖ | Ю-0227 14.10.2009 й. берилган |
| 8 | Наманган вилояти | Поптумани, Попшаҳри, М.Ҳакимов кўчаси, 1-уй | "Мададим-Сино" хусусий фирмаси | У-3272-03 03.04.2013 й. берилган |
| 9 | Хоразм вилояти | Янгиариқ тумани, Урганч кўчаси | "ЯНГИАРИҚ ЗАРГАР" хусусий корхонаси | Ю-0898 28.03.2011 й. берилган |
| 10 | Хоразм вилояти | Хонқа тумани, Х.Дўстлиги кўчаси, 3-уй | "XORAZM STOMA PLUS" хусусий корхонаси | Ю-0851 28.02.2011 й. берилган |

**Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент вилояти | Оҳангарон тумани, Оҳангарон шаҳри, Холмуҳамедов кўчаси, 85-уй | "TIBBIY KO'RIK" хусусий корхонаси | 2343-00 17.01.2014 йил берилган | Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 12 майдаги 11-1432/4541-сонли ҳал қилув қарорига асосан 6 ойга вақтинча тўхтатилди |
| 2 | Жиззах вилояти | Жиззах шаҳар, Нурли қуёш кўчаси, Ўрда боғи ҳудуди | "Эркин" МЧЖ. | 0722-01 26.03.2012 й. берилган | Жиззах вилояти хўжалик судининг 2014 йил 7 майдаги 13-1408/1528-сонли ҳал қилув қарорига асосан 3 ойга вақтинча тўхтатилди |

**Ўз аризасига кўра амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Фарғона вилояти | Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 138-уй | "Қувасой цемент" ОАЖ | 0774-01 10.12.2013 йил берилган | 2014 йил 23-майдаги 957-сонли хатига асосан (01.06.2014 йилдан 31.08.2014 йилга қадар) 3 ойга |

**Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Навоий вилояти | Навоий шаҳри, П.Очилова кўчаси, 8-уй, 1-хонадон | "DIAMOND DENTA LYUKS" хусусий корхонаси | Ю-0643 27.07.2010 й. берилган | Навоий вилояти хўжалик судининг 2014 йил 6 майдаги 21-1404/2579-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди |
| 2 | Хоразм вилояти | Хонқа тумани, Х.Дўстлиги кўчаси, 3-уй | "XORAZM STOMA PLUS" хусусий корхонаси | Ю-0851 28.02.2011 й. берилган | Хоразм вилояти хўжалик судининг 2014 йил 8 майдаги 22-1404/4648-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди |
| 3 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳри, Тошкент кўчаси, 2-уй | "Баҳодир-Стомасервис" хусусий кўп тармоқли тиббиёт хизмат кўрсатиш фирмаси | 1895-00 15.05.2013 й. берилган | Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 12 майдаги 12-1401/5712-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди |
| 4 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний тумани, Шаббоз Овул фуқаролар йиғини | "ШОББОЗ СИХАТГОҲ" хусусий санаторийси | Ю-0435 30.01.2010 й. берилган | Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2014 йил 1 майдаги 23-1402/3701-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди |
| 5 | Самарқанд вилояти | Жомбой тумани, Ш.Бурхонов кўчаси, 19-уй | "Садаф" ишлаб чиқариш ва тижорат хусусий корхонаси | 1684-00 25.02.2013 й. берилган | Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2014 йил 15 майдаги 14-1415/5948-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди |

**Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тикланган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Самарқанд вилояти | Самарқанд шаҳри, А.Соний кўчаси, 18-уй | "IBN SINO" МЧЖ | Ю-0923 24.05.2011й. берилган | Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2014 йил 14 майдаги 14-1404/3692-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тикланди |

## Кўрик-танлов

# БЕЛЛАШУВ ҚИЗҒИН ВА МУРОСАСИЗ ЎТДИ



***Бирламчи тиббий тизим ва барча даволаш муассасаларида халқимиз саломатлигини асраб-авайлашга камарбаста бўлаётган тиббиёт ҳамширалари ўртасида қатор йиллардан бери ўтказиб келинаётган «Ҳамшира» кўрик-танлови кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Чунки ушбу беллашувда ҳамшираларнинг касбий салоҳиятини ошириш, уларнинг ўз хизмат бурчига нисбатан масъулиятини кучайтириш, беморларнинг улар хизматига нисбатан ҳурмат-эътиборини уйғотиш билан боғлиқ жараёнлар намойиш этилиб, кўзланган мақсадга эришилмоқда.***

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган ҳамширалар ўртасида “Ҳамшира” кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.



Танловнинг амалий қисми Тошкент шаҳар Шошилинч тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида ўтказилиб, иштирокчиларнинг касбий амалиётлари синаб кўрилди. Бири-биридан чаққон, ўз ишининг моҳир устаси бўлган ҳамширалар амалиётларини маромига етказиб бажардилар. Шунингдек, танлов иштирокчилари ҳамшира ташрифи – танишув, тиббиёт соҳасига оид назарий билимлар намойиши, ижтимоий-сиёсий ва маънавий билимларга оид дунёқараши, тиббиёт соҳасига доир амалий билимлар бўйича ҳамда эркин мавзуларда билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Айниқса, ҳамширалар тиббиёт соҳасига оид назарий билимлар, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳамда танишув босқичларида касбига хос фазилат, давлатимизнинг ижтимоий ва сиёсий йўналишга оид билимлари бўйича тезкор жавоб бериш билан бирга, эркин мавзудаги чиқишлари уларнинг ноёб истеъдодлари борлигини кўрсатди.

Албатта, қатнашчиларнинг кўрик-танлов шартлари бўйича иштирокларини баҳолаш ҳайъат аъзолари учун осон кечмади. Чунки касбий либослари ўзларига ярашиб турган, билим ва тажриба бобида бир-бирларидан қолишмайдиган ҳамшираларнинг юзларидаги самимийлик уларнинг ўз касбига бўлган садоқат эгалари эканлигини кўрсатиб турарди. Лекин ҳар бир кўрик-танловда ғолибларнинг ғолиби аниқланиши асосий мезонга айланган. Ана шуларни ҳисобга олган ҳайъат аъзолари Ҳамза туманидаги 27-оилавий поликлиника ҳамшираси Нилуфар Нуриддиновани биринчи ўринга муносиб деб топдилар.



Нилуфар республикамиз миқёсида ўтказиладиган «Ҳамшира – 2014» республика кўрик-танловига йўлланма олди. Кўрик-танлов иштирокчиларига барча ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Бу каби кўрик-танловлар республикамиз миқёсида кенг тарзда ўтказиб келинмоқда. Шу ўринда республика финал босқичига чиқаётган ҳамшираларимизга омад кулиб боқишини чин дилдан истаб қоламиз.**



## Тадбир

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ







**Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникасида даволанаётган болажонлар учун маъмурият томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўзга чиққан клиника раҳбарияти бўлимларга даволанаётган болажонларни байрам билан қизғин қутлаб, совғалар тақдим этишди. Шу билан бирга болалар қалбига янада шодлик улашиш мақсадида спорт турлари бўйича ўзаро беллашувларнинг ташкил этилганлиги ҳам даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

Айниқса, болажонларимиз дилрабо кўй ва қўшиқларга рақс тушишди, ёд олган шеърларини ифодали ўқиб беришди. Шу билан бирга спортнинг 4 та тури бўйича ўзаро беллашдилар. Жумладан, расм чизишда болалар Ватан мадҳи, она-табиат, менинг оилам, мактабим сингари мавзуларни маҳорат билан бажардилар.

*– Ҳар йили Халқаро болалар кунига бағишлаб клиникамизда байрам тадбири бўлиб ўтади. Унда асосан, клиникамизда даволанаётган болалар иштирок этишади. Шу ўринда биз болажонлар қалбига кириб борувчи турли ўйин ва мусобақаларни ташкил этиб, ҳатто ҳайъат аъзолари томонидан ғолиблар аниқланиб, уларни тақдирлаймиз. Шу жараёнда ўз иқтидорига эга бўлган фарзандларимизни кўриб, мамнун бўламиз,* – **дейди клиника бош шифокори Шухрат Дадажонов.**

**Ушбу тадбирда оналар қувончи ҳам чексиз бўлиб, Фарғона вилоятидан келган Гулнора Ҳакимова шундай дейди:**

– Аввало, болаларимиз учун катта имкониятлар яратаётган Юртбошимизга, шу билан бирга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва клиника раҳбариятига оналар номидан миннатдорлик билдираман. Бўлиб ўтган байрам тадбирида фарзандим иштирок этиб, фахрли ўринни олганидан хурсанд бўлдим.

**Албатта, бу каби тадбирлар фарзандларимиз саломатлиги ва келажак орзу-умидларига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 7896 нусха.
Буюртма Г-659.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.